YUKSALISH

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН ЎҚУВ МОДУЛИ

2025 йил ноябрь

МУНДАРИЖА:

1-МАВЗУ:

Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш

2-МАВЗУ:

Жамоатчилик назорати ва унда фуқаролик институтларининг иштироки

3-МАВЗУ:

Давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда Жамоатчилик кенгашларининг роли

Кириш

Сизга тақдим этилган ўқув модули Давлат органлари хузурида Жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича муайян билимлар олишингизга кўмаклашади деб умид қиламиз. "Yuksalish" ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-124 сонли Фармони билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кенг жамоатчилик ва экспертларни жалб этган холда ишлаб чиқилган.

Айтиш жойизки ўқув модулида келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва қонуности хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Фармонлари, шунингдек мамлакатимизнинг етакчи олимларининг илмий ишларига таяниб ишлаб чиқилган. Ўқув модули учта асосий мавзуни ўз ичига олади.

Ушбу ўқув модулини тақдим этишимиздан кўзланган асосий мақсад Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан қабул қилинган "Ўзбекистон-2030" стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда давлат идораларига кўмаклашиш, айни дамда Давлат бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги хисобдорлиги ҳамда давлат идораларига юкланган вазифаларни янада юқори савияда бажарилиши учун жамоатчилик маслахат органини ташкил этишда кўмаклашувчи назарий базани яратишдир.

Ўқув қўлланмасида Жамоатчилик кенгашини тузишдан мақсад, унга юклатилган вазифалар, ижро этиш механизмлари тўғрисида умумий маълумотлар ва тўлароқ маълумотлар олиш учун манбаалар келтирилган. Муаллифлар Ўзбекистон Республикаси Хузуридаги Давлат ва жамият бошқаруви академиясининг олимларига чуқур миннатдорчилик билдиради, айнан шу олий даргохда олинган билимлар ва ишлаб чиқилган дарсликлар ўқув модулига асос бўлиб хизмат қилди.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар, жумладан Америка қўшма штатлари, Франция, Германия, Сингапур каби давлатларда Жамоатчилик кенгашлари фаолияти юқори даражага етган. Жамоатчилик кенгашлари нафақат давлат органи фаолиятининг очиқлиги, давлат органи фаолияти самарадорлиги устидан жамоатчилик назоратини олиб боради, балки давлат органи фаолияти билан боғлиқ мамлакатнинг ривожланиш стратегиясига хизмат қиладиган тадқиқот лойихаларини хам амалга оширадилар. Худудий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда хамжамият аъзоларининг фикрларини ўрганадилар. Сохалар бўйича йирик инфратузилмавий лойихаларнинг мухокамаларида иштирок этадилар.

Давлат раҳбарининг Фармонига кўра Жамоатчилик кенгаши аъзолари муаммоларни ўрганиш, мониторинг механизмлари, муаммони тахлил қилиш ва қонуний ечимларни қиёслаш, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш, жамоатчилик эшитувлари натижаларини тақдим этиш малакаларига эга бўлишлари керак.

Албатта қўлингиздаги кичик ўқув модули Жамоатчилик кенгашлари фаолиятига оид барча масалаларни очиб бера олмайди, аммо умид қиламизки манбааларга келтирилган хаволалар сизга хуқуқий, экологик, коррупцияга қарши кураш, давлат органи очиқлигини таъминлаш ва ташкилий масаларда ёрдам бериши мумкин.

Ўқув модулини ўзлаштиришда сизга муваффақият тилаймиз.

1-мавзу:

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҲУЗУРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш Ўзбекистонда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонуности норматив ҳужжатларга асосланади. Улардан энг кўп ишлатиладиганлари:

- Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган) (тўлиқ матн билан шу ерда танишишингиз мумкин:

  https://lex.uz/docs/3679092);)

- 2018 йил 4 июлдаги «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 3837-сонли Қарори (қарорнинг тўлиқ матни билан шу ерда танишишингиз мумкин:

  https://lex.uz/docs/3808838)

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (Фармоннинг тўла матни билан шу ерда танишишингиз мумкин:

  https://lex.uz/docs/7083841)

  бўлиб, бевосита жамоатчилик кенгаши фаолиятига боғлиқдир.

Давлат органи хузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгашининг мақоми Президент Қарорида белгилаб берилган. Унга кўра, жамоатчилик кенгаши ўз ишини

- жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат кенгаш органи ҳисобланади;

- жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилади;

- жамоатчилик кенгашининг фаолияти Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширилади (ПҚ-3837 04.06.2018 3 банд 1,2,3 хатбоши);

- Жамоатчилик кенгаши давлат органининг марказий аппарати ҳузурида ташкил этилади ва унинг фаолияти мазкур давлат органининг барча ҳудудий бўлинмалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларига татбиқ этилади (ушбу қоида ПҚ-3837 04.06.2018 йилнинг 1-иловаси билан тасдиқланган Намунавий низомда келтирилган);

- Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

- Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони чекланмаган, уларда нодавлат нотижорат ташкилотлари аъзолари иштироки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 март кунги ПФ-6181-сонли фармони (фармоннинг тўла матни билан шу ерда танишиш мумкин: https://lex.uz/uz/docs/5319756) 4-банд 4-хатбошида кўрсатилган.



1.

Жамоатчилик кенгашининг таркиби давлат органи раҳбарининг қарори билан ҳар 3 йилда тасдиқланади. Ушбу қоида ПҚ-3837 04.06.2018 йилнинг иловаси билан тасдиқланган Намунавий низомда келтирилган.

Эътибор беринг!

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони 15 нафардан кам бўлмаган холда, умумий сонининг 50 % Фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва 25% фуқаролар ташаббуси билан ташкил этилган ННТ вакиллари бўлади.

1.1. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органи фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

- давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, жумладан, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

- давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

- давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат органининг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларни ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш;

- давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат органи фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат органлари ходимлари ва уларнинг оилаларини уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

1.2. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ:

- давлат органи томонидан ташкил этиладиган бўлажак очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

- давлат органининг, жумладан, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини давлат органи томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;

- давлат органи, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

- давлат органи фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;

- давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқиш;
- давлат органининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;
- жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига давлат органи томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;
- давлат органи ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;
- жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;
- юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

1.3. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



механизми амалда ишчи гуруҳ фаолияти орқали амалга оширилади, ишчи гуруҳ давлат органи раҳбари билан келишув учун Жамоатчилик кенгаши (ЖК) таркибини ва ЖК раислигига таклиф этилаётган номзодлар рўйхатини тақдим этади. ЖК аъзолари Давлат органи ва ЖК таркибига таклиф этилаётган номзодлар иштирокидаги йиғилишда сайланади ва Давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланади. ЖК раиси фуқаролик жамияти институти вакилларидан сайланади (ушбу норма ЎзРесп Президентининг 2024 йил 26 август кунги 124 сонли Фармойиши билан белгиланган.)

1.4. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ:

Жамоатчилик кенгашининг фаолияти Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади(ПҚ-3837 04.06.2018 йилнинг 3 банд 3 хатбоши).

Намунавий низом асосида ЖК нинг низомини ишлаб чиқиш мумкин. Низом ЖК умумий йиғилишида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Шундан сўнг **ЖК тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланади.** Ушбу қоида(ПҚ-3837 04.06.2018 йилнинг иловаси билан тасдиқланган) Намунавий низомда келтирилган.

Давлат бошқаруви органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ЖКнинг йиллик иш режалари ишлаб чиқилади. Кўриладиган масалалар ЖКга юклатилган вазифалардан келиб чиқади. Иш режа тузилишида ЖК вазифаларига киритилган масалалардан келиб чиқилади.

ЖК амалиётда ҳар чоракда бир маротабадан кам бўлмаган ҳолда ўз йиғилишларини ташкил этиб боради. Кун тартибига киритилаётган масалалар Давлат органи раҳбари билан келишилган ҳолда, ҳар бир масалага ёндашув, масалани атрофлича ўрганиб чиқиш учун саволнома тузиш ва саволлик бўйича маълумотларни шакллантириши мумкин бўлган экспертлар рўйхати шаклланиши керак.


***Мисол учун**, Иқлим ўзгариши таъсири ва атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ муаммолар ўрганилиши талаб этилганида лицензияланган лаборатория ходимларидан экспертлар гуруҳига вакил киритиш ва тегишли ўлчовларни қайд этиш зарурияти пайдо бўлади.*

Ёки яна бир мисол, уй-жой қурилиши ва шаҳарсозлик нормалари бўйича масала киритилганида архитектура назорати ва тегишли давлат органларининг вакиллари экспертлар гуруҳига киритилади.

Эътибор беринг!

Ҳар бир вазирлик ва қўмиталар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бир йилда камида бир маротаба фуқаролик жамияти институтлари учун ижтимоий буюртма шакллантиради ва уни ЖК ўз қарори билан тасдиқлаб бериши керак (ушбу норма ЎзРесп Президентининг 2024 йил 26 август кунги 124 сонли Фармойиши билан белгиланган, 7 банд 2 хатбоши).

1.5. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ



Ҳар бир Давлат органи ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгашини моддий техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг (ПҚ-3837 04.06.2018 илова 4 боб 32 банд) қарорига кўра, давлат органи раҳбари зиммасига юклатилган. Йиллик иш режадан келиб чиқиб мониторинг ишларини амалга ошириш, хулосаларни шакллантириш ва экспертларни жалб қилиш маълум маблағларни талаб этади.



Амалиётда бундай мақсадларга маблағ топиш учун Жамоатчилик кенгаши таркибидаги ННТ орқали алоҳида грант лойиҳалардан фойдаланиш мумкин. Жамоатчилик кенгаши таркибидаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳа бўйича ўз лойиҳаларини шакллантиришда мониторинг ва таҳлил масалаларини киритиши ва муаммоларни бартараф этиш бўйича пилот лойиҳалар ўтказиши муаммони ҳал қилишнинг муқобил мисоли бўлиши мумкин.

1.6. ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВЛАРИ

Жамоатчилик эшитувларини ўтказишга тайёргарлик босқичлари қуйидагилардан иборат бўлади:

Эшитувнинг аниқ мақсадини белгилаш:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилиш, (қабул қилинаётган қарор маълум бир тоифадаги фуқароларнинг манфаатларига зид келмаслиги, айниқса, ижтимоий жиҳатдан заиф қатлам манфаатларига)
- ҳисобот (мисол учун, амалга оширилган ишлар бўйича ярим йиллик ёки йиллик ҳисоботни муҳокама қилиш);
- йирик лойиҳа/дастур, (мисол учун, инвестиция лойиҳасининг атроф-муҳитга салбий таъсирини баҳолаш);

- жамоат эҳтиёжларини аниқлаш ёки ижрони мониторинг қилиш. (мисол учун, минимал истемол саватчаси шаклланиши ёки кам таъминланган оилаларга фоизсиз кредит ва субсидиялар бериш жараёнини мониторинг қилиш).

Эшитув ўтказиш ҳақидаги қарор ЖК ёки унинг ишчи гуруҳи томонидан мажлисда қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади (ташаббус давлат органи раҳбариятидан ҳам чиқиши мумкин).

Жамоатчилик эшитувига масалани киритишдан олдин ҳуқуқий асосни текшириш зарур.

Муҳокама қилинаётган масала давлат органининг ваколатига киради ми ва қонунга кўра оммавий муҳокамани талаб қиладими — шуни аниқлаш талаб этилади.

Эшитувлар тартиби “Жамоатчилик кенгаши тўғрисида”ги Низомга зид эмаслигини текшириш керак(кундалик, иштирокчилар, баённома юритиш ва ҳ.к.).

Экспертлар гуруҳини шакллантириш:

ишчи гуруҳ ва масъулларни белгилаш;

масъулларни тайинланг (Кенгаш котибияти, профиль комиссия ёки ишчи гуруҳ): материалларни тайёрлайдиган, ОАВ билан ишлайдиган, логистика ва протокол учун жавобгар шахслар.

Тайёргарлик муддатлари ва жавобгар шахсларни Кенгаш қарорида белгилаб қўйинг.

Манба: www.yuksalish.org

Эътибор беринг!

Бунда, соҳа бўйича малакали кадрлар топиш ва лицензияланган фаолият мавжуд бўлса, шартномалар тузиш заруриятини аниқлаш керак.

Жамоатчилик эшитуви учун тайёрланадиган маълумотлар:

Ахборот ва таҳлилий материалларни тайёрлаш.

Қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тайёрланг:

лойиҳа ёки ҳисобот;

таҳлилий маълумотнома;

альтернатив (муқобил) таклифлар;

молиявий ва ижтимоий таъсир ҳақида маълумот;

кун тартиби лойиҳаси.

Материаллар фуқаролар учун тушунарли шаклда тайёрланиши ва иштирокчиларга олдиндан етказилиши лозим (ошкоралик ва фуқаролар иштирокини таъминлаш талабларига мувофиқ).

Жамоатчилик эшитувини ташкил этишда иштирокчиларни хабардор этиш механизми

расмий хабарнома (фармойиш/таклифнома) чиқарилади — сана, вақт, жой, кун тартиби, рўйхатдан ўтиш ва сўзга чиқиш тартибини кўрсатилади;

эълонни давлат органининг расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқларда, ННТ ва ОАВ орқали жойланади. Эълон мажлисга камида 7–15 кун қолганда берилиши тавсия этилади;

иштирокчиларни рўйхатга олиш ва сўзга чиқишни ташкил этиш;

Онлайн ёки офлайн рўйхатга олиш мумкин.

иштирокчилар сонини ва сўзга чиқиш вақтини тақсимлаш;

сўзга чиқиш қоидаларини белгилаш (вақт, тартиб, ёзма фикр билдириш имконияти). Катта тадбирларда модератор ёки анкета шаклида фикр йиғиш усулини қўлланг;

эшитувни ўтказиш учун тайёрлаш ишлари:

олдиндан зални (ёки онлайн платформа) тайёрлаш, техника воситалари, экран/проектор, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароит яратиш;

материалларнинг электрон ва қоғоз нусхаларини тайёрлаш; баённома юритиш учун котибни тайинлаш(аудио/видео ёзув талаб қилинса – қоидаларга риоя этинг).

Манба: www.yuksalish.org

Эшитувларни ўтказиш (модерация)

- Тадбирни Кенгаш раиси ёки модератор очади, мақсад ва кун тартибини баён қилади.

- Ҳисобот ёки лойиҳа тақдимотидан сўнг иштирокчиларнинг навбат билан сўзга чиқиши, саволлар ва муҳокама бўлади. Модератор вақт ва регламентга риоя этилишини таъминлайди.

- Зарур ҳолларда мавзули гуруҳлар ёки “давра суҳбати” шаклида кичик муҳокамалар ташкил этилади.

Жамоатчилик эшитувини расмийлаштириш:



Баённома тузилади, унда иштирокчилар рўйхати, асосий чиқишлар, таклиф ва эътирозлар, қабул қилинган қарорлар ва ижро учун масъул шахслар қайд этилади



Агар эшитув норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига тегишли бўлса, ЖК хулоса ёки тавсия шаклида расмий ҳужжат тайёрлаб давлат органига юбориши лозим

Натижаларни эълон қилиш ва жамоатчилик фикрини қайд этиш

- сўзга чиқиш қоидаларини белгилаш (вақт, тартиб, ёзма фикр билдириш имконияти). Катта тадбирларда модератор ёки анкета шаклида фикр йиғиш усулини қўлланг;

- Таклифлар қандай кўриб чиқилиши ва ҳисобга олиниши бўйича механизмни кўрсатинг, жавоб бериш муддатини белгилаб қўйинг. Бу ошкоралик принципларига мувофиқдир.

- Тавсиялар ва қабул қилинган қарорларни бажарилишини мониторинг қилиш зарур.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАХОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИ

1. Ташкилий ва ҳуқуқий фаолият индикаторлари

- Кенгаш фаолияти амалдаги қонун ҳужжатларига мос ташкил этилганлиги
- Йиғилишларнинг доимийлиги (йил давомида неча марта ўтказилганлиги)
- Устав, низом, иш режаси ва ҳисобот тизимининг мавжудлиги
- Қабул қилинган қарорлар сони ва уларнинг ижросини таъминлаш ҳолати
- Кенгаш аъзолари сони ва уларнинг жамоатчилик, ННТ ёки фуқаролик жамияти вакиллари бўлиши даражаси

2. Фаол иштирок ва очиқлик индикаторлари

- Давлат органлари фаолиятида фуқаролар иштирокини таъминлаш бўйича амалий ташаббуслар сони
- Фуқароларнинг мурожаатлари ва таклифларига муносабат билдириш даражаси
- Оммавий муҳокамалар, очиқ эшитувлар, жамоатчилик мониторинглари сони
- Кенгаш фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши
- Жамоатчилик учун очиқ ҳисоботлар ва натижаларнинг эълон қилиниши

3. Ҳамкорлик ва таъсир индикаторлари

- Давлат органлари билан ҳамкорликда қабул қилинган тавсиялар сони
- Нодавлат нотижорат ташкилотлар, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар сони.
- Кенгаш тавсияларининг амалий қарорларга таъсири (ижро қилинган тавсиялар улуши)
- Давлат хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган таклифлар сони ва уларнинг қабул қилинганлиги

4. Самарадорлик ва натижавийлик индикаторлари

- Кенгаш тавсиялари асосида амалга оширилган ислоҳотлар ёки ўзгаришлар.
- Коррупция хавфларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича амалий натижалар.
- Фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончи даражасининг ошиши
- Ахборот очиқлиги, ҳисобдорлик ва шаффофлик даражасининг яхшиланиши

5. Рақамли фаоллик ва инновация индикаторлари



Кенгаш фаолиятида рақамли платформалардан (масалан, “openbudget.uz”, “anticorruption.uz”) фойдаланиш даражаси



Онлайн сўровлар, фикр билдириш майдонлари ва интерактив муҳокамалар ташкил этилиши



Фуқароларнинг рақамли иштирокини таъминловчи механизмлар (чат-ботлар, веб-порталлар ва ҳ.к.)

6. Жамоатчилик фикри ва қониқиш индикаторлари

- Фуқароларнинг жамоатчилик кенгаши фаолиятидан қониқиш даражаси (сўровнома орқали).
- ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенгаш фаолияти ҳақидаги ижобий фикрлар сони.
- Манфаатдор томонлар — фуқаролар, ННТ, давлат органлари фикрида кенгаш фаолиятининг аҳамияти

Жамоатчилик кенгашлари фаолиятидан мисоллар:

Натижали фаолият юритаётган Жамоатчилик кенгашлари фаолиятидан мисоллар келтириш мумкин:

Наманган вилоят Адлия бошқармаси хузуридаги жамоатчилик кенгаши 2019 йилдан буён фаолият юритади. Жамоатчилик кенгашида кўрилган масалалардан бири “Имконияти чекланган шахсларни ижтимоий объектларга киришида тўсиқлар бўлмаслигини ўрганиш”. Натижада хозирда Давлат архитектура назорати янги қурилган объектларга пандус ўрнатишни тартибга солди, дорихоналар, поликлиникакалар ва савдо шахобчаларига киришда пандус бўлиши зарурий шарт деб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги жамоатчилик кенгаши Тошкент шахрида жамоат транспортида имконияти чекланган фуқароларнинг харакатланиши учун имкониятларни ўрганиб чиқди ва автобус бекатларида бу тоифадаги шахсларга имконият яратиш бўйича таклифларни киритди. Ушбу масаланинг вазирлик даражасида мухокама қилиниши катта қадам бўлди, ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

2-мавзу:

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Жамоатчилик назорати тушунчаси ва уни амалга ошириш шакллари

Бу борадаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 2018-йил 12-апрелда қабул қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуни бўлиб, унинг мақсади давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур Қонуннинг 3-моддасига кўра, жамоатчилик назоратини қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат кенгашлари, комиссиялар ва бошқа жамоат ташкилий тузилмалари амалга ошириши мумкин.

Жамоатчилик назорати — бу фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ҳамда ОАВ томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан амалга ошириладиган тизимли кузатув, таҳлил ва баҳолаш фаолиятидир.

Унинг асосий **мақсади** — давлат ҳокимияти фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик ва самарадорликни таъминлаш, қонунбузарликларни олдини олиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Жамоатчилик назоратининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Давлат органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш;
2. Фуқароларнинг давлат қарорларини муҳокама қилишда фаол иштирокини таъминлаш;
3. Коррупция ҳолатларини фош этиш ва жамоатчилик фикри орқали давлат тизимини тозалаш;
4. Давлат хизматларининг сифатини баҳолаш ва таклифлар ишлаб чиқиш;
5. Давлат органларига ишончни мустаҳкамлаш.

Жамоатчилик кенгашлари қуйидаги масалалар бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишлари шарт:

- давлат органи ва унинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарорлар, давлат, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларида жамият манфаатлари ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

- фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органига ижтимоий ва жамоат манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функсияларнинг бажарилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш;

- хизматлар, ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилаётган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш.

Давлат органларининг Қонунлар ва унга тенглаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиши устидан жамоатчилик назорати воситалари ва усуллари

Жамоатчилик назоратининг турли шакллари мавжуд - Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик эшитуви;
- жамоатчилик мониторинги;
- жамоатчилик экспертизаси;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Моҳиятан, жамоатчилик мониторинги давлат органлари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг тизимли ёки вақтинчалик мониторинги сифатида жамоатчилик назорати субъекти томонидан амалга ошириладиган, хизматлар сифати ва самарадорлигини тизимли равишда оширишга қаратилган жамоатчилик назоратининг шаклидир.

Давлат дастурларини амалга ошириш

Жамоатчилик мониторинги ҳеч қачон давлат органларининг қайта алоқа каналларини, шунингдек, сифатни назорат қилишнинг ички механизмларини ўрнини боса олмайди. Мустақил экспертлар, гуруҳлар ва жамоатчилик кенгашларининг фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида очиқликка эришиш, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига нисбатан масъулиятини кучайтиришга қаратилганлигини унутмаслик керак.

Мониторинг режасини ишлаб чиқишда ҳам умумий қабул қилинган ёндашувлар мавжуд. Бунинг учун қуйидагиларни бажариш талаб этилади:

- кузатиладиган параметрларни аниқлаш;
- ушбу кўрсаткичларни кузатиш мумкин бўлган ўлчанадиган сифат (баҳолашнинг балл шкаласи; респондентлар нисбати) ва миқдорий кўрсаткичларни аниқлаш;
- мониторинг учун ахборот манбаларини (ташкилотлар, бўлимлар, шахслар, одамлар гуруҳлари, ҳужжатлар ва бошқалар) ўрнатиш;
- маълумот тўплаш усулларини танлаш;
- маълумот тўплаш частотаси ва жадвалини аниқлаш (ўлчов кўрсаткичлари);
- қабул қилинган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш технологиясини аниқлаш;
- керакли ресурсларни аниқлаш ва уларни жамоатчилик мониторинги учун бюджетга киритиш.

Жамоатчилик мониторингини ўтказишда бажариладиган ишларнинг намунавий кетма-кетлиги

Тартиб рақами	Босқичлар
1.	**Муаммони белгилаш.** Жамоатчилик мониторинги ўтказилиши учун объект танлаш.
2.	Жамоатчилик мониторинги ўтказиладиган объектлар ҳақида маълумотлар тўплаш (ОАВ, расмий сўровлар, сайт маълумотлари).
3.	Жамоатчилик мониторинги дастурини тузиш (мақсад, вазифалар, мезонлар/усуллар, жадваллар).
4.	Жамоатчилик мониторинги объектига кириш учун келишувларни амалга ошириш (давлат органлари бўлими, бошқарма вакиллари билан).
5.	Жамоатчилик мониторингини ўтказиш учун воситаларни ишлаб чиқиш (кузатув варақаси, сўровномалар ва бошқалар).
6.	Жамоатчилик мониторингини ўтказиш учун ишчи гуруҳ шакллантириш, уларни ўқитиш, йўриқнома бериш.
7.	**Жамоатчилик мониторингини ўтказиш.**
8.	Жамоатчилик мониторинги натижалари юзасидан олинган ахборотлар таҳлилини тайёрлаш.
9.	Жамоатчилик мониторинги натижалари бўйича таҳлилларни ишчи йиғилишида муҳокама қилиш.
10.	Жамоатчилик мониторинги натижаларини Давлат органлари раҳбарлари олдида тақдимотини ўтказиш.
11.	Жамоатчилик мониторингини ўтказиш гуруҳи аниқлаган камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар ишлаб чиқиш.
12.	Жамоатчилик мониторингини ўтказиш жараёни таҳлили ва кейинги таҳлилга тайёргарлик кўриш.



Жамоатчилик кенгашлари таркибидаги фуқаролар ташаббуси билан шакллантирилган нодавлат нотижорат ташкилотлари мониторинг функцияларини ўтказишда жуда аҳамиятли ишларни амалга ошириши мумкин.

Экологик масалаларда мониторинг олиб бориш бўйича қўшимча маълумот олиш учун

https://drive.google.com/file/d/19UYTLTHWZmPWBjBjx96YQEGjT5FBrLVx/view

манбаадан фойдаланиш мумкин.

Муқобил Экологик экспертиза ўтказиш бўйича қўшимча маълумот олиш учун

https://drive.google.com/file/d/1pS65cWZcjZDgL-JIRK5khmAxqB1KxyjN/view?usp=drive_link

манбаадан фойдаланиш мумкин.

2.2 ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг давлат ишларидаги иштирокини таъминлаш ва коррупцияга қарши самарали курашишда жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамоатчилик назорати — фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан очиқ, мустақил ва тизимли кузатув амалга ошириш ҳуқуқидир. (М.Бекмурадов “Коррупцияга қарши кураш асослари”) Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик назоратининг муҳим воситаси

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) — жамоатчилик назоратининг анъанавий, аммо энг таъсирчан шаклларидан бири ҳисобланади. ОАВ фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлайди, давлат органларининг очиқ ва шаффоф фаолиятини намоён этади. Журналистик суриштирувлар, таҳлилий мақолалар, интервью ва теледастурлар орқали коррупция ҳолатларини фош этиш ва уларга жамият эътиборини қаратиш ОАВнинг асосий вазифаларидан биридир.

Оммавий ахборот воситалари:

- Давлат хизматчилари фаолиятидаги шаффофликни таъминлайди;
- Давлат органларини ҳисобдорликка чақиради;
- Коррупция ҳолатларини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқади;
- Фуқароларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиради.

Шунингдек, ОАВ орқали фуқаролар давлат органлари қарорлари, тендерлар, молиявий сарф-харажатлар тўғрисида маълумот олиб, уларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса "ошкоралик" ва "ҳисобдорлик" тамойилларини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим асосидир.

Рақамли платформалар – янги авлод жамоатчилик назорати воситаси. Сўнгги йилларда рақамли технологиялар ва ахборот тизимларининг жадал ривожланиши жамоатчилик назоратининг янги босқичини яратиб берди. "Коррупцияга қарши кураш асослари" фанидан маълум бўлишича, рақамли платформалар, электрон ҳукумат тизими, "my.gov.uz", "anticorruption.uz", "openbudget.uz" каби сайт ва иловалар фуқароларнинг давлат ишларида фаол иштирокини таъминлайди.

Бу платформалар орқали:

- *Давлат хизматлари электрон шаклда тақдим этилади;*
- *Давлат харидлари ва тендерлар очиқ кўринишда бўлади;*
- *Фуқаролар онлайн мурожаатлар орқали қонунбузарлик ҳолатларини маълум қиладилар;*
- *коррупция ҳолатлари юзасидан тезкор маълумот алмашинуви таъминланади.*

Рақамли платформалар орқали жамоатчилик назоратининг самарадорлиги кескин ошди, чунки ахборотни яшириш ёки бузиб кўрсатиш имконияти камайди. Фуқаролар давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни реал вақтда кузатиш имконига эга бўлдилар.

Жамоатчилик назорати ва фуқаролик жамияти ўртасидаги боғлиқлик

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтларининг асосий функцияларидан бири сифатида таърифланади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва интернет фойдаланувчилари биргаликда фаолият юритиши натижасида давлат идораларидаги очиқлик ва шаффофликка эришиш мумкин.

Рақамли платформа ва ОАВ орқали жамоатчилик назорати амалга оширилиши давлат ва жамият ўртасида ишонч муҳитини яратади. Бу эса коррупциянинг олдини олишда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишда ОАВ ва рақамли платформаларнинг роли беқиёс. Улар фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширади, давлат фаолиятида очиқликни таъминлайди ва коррупцияга қарши курашишда фаол иштирокни рағбатлантиради.

3-мавзу:

ДАВЛАТ ОРГАНИ ФАОЛИЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИНИНГ РОЛИ

3.1 ДАВЛАТ ОРГАНИ ФАОЛИЯТИДАГИ АСОСИЙ КОРРУПЦИЯ ХАВФЛАР МАНБАЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Коррупция – жамият тараққиётига, давлат бошқарувига ва фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончига жиддий таъсир кўрсатувчи иллат ҳисобланади. Шу боис, коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва "Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни асосида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараёнда Жамоатчилик кенгашлари коррупция хавфларини аниқлаш ва олдини олишда фаол иштирок этувчи муҳим тузилмалардан бири ҳисобланади.

1. Давлат органларида коррупция хавфлари манбалари

Давлат органларининг фаолиятида коррупция хавфлари турли соҳаларда намоён бўлиши мумкин. Улар қуйидагича гуруҳланади:

- Маъмурий ва ташкилий хавфлар – қарор қабул қилиш жараёнининг ёпиқлиги, ички назорат механизмларининг етарли эмаслиги;
- Молиявий хавфлар – тендер, давлат харидлари ёки субсидиялар тақсимотида манфаатдорлик;
- Кадрлар сиёсатидаги хавфлар – хизматга қабул қилишда таниш-билишчилик ёки шахсий манфаатни кўзлаш;
- Ахборот хавфлари – давлат органлари фаолияти ҳақида маълумотларни яшириш, очиқ маълумотлардан фойдаланмаслик.

Бундай хавфларни аниқлаш учун фақат ички аудит ёки назорат етарли эмас, балки ташқи — яъни жамоатчилик назоратининг ҳам самарали иштирокини таъминлаш зарур.

("Коррупцияга қарши кураш асослари" М.Бекмурадов)

2. Жамоатчилик Кенгашларининг аҳамияти ва вазифалари

Жамоатчилик кенгашлари қуйидаги йўналишларда коррупция хавфларини камайтиришга ҳисса қўшади:

- мониторинг ва таҳлил – давлат органи фаолиятидаги хавфли нуқталарни аниқлаб, таҳлилий хулосалар тайёрлаш;
- ташаббус киритиш – коррупция хавфини камайтириш бўйича меъёрий ёки ташкилий таклифлар бериш;
- оммавий эшитувлар ўтказиш – мансабдор шахслар фаолияти бўйича жамоатчилик фикрини тинглаш;
- ахборот очиқлигини таъминлаш – давлат органининг расмий сайтида очиқ маълумотлар базасини кенгайтириш бўйича тавсиялар бериш.

3. Жамоатчилик назоратининг амалдаги аҳамияти

Оммавий ахборот воситалари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар иштирокидаги жамоатчилик кенгашлари коррупция хавфларини аниқлашда "ишонч кўприги" вазифасини бажаради. Улар орқали давлат органларининг фаолияти фуқаролик жамияти томонидан баҳоланади.

Бу эса фаолиятни очиқ, ҳисобдор ва жавобгар этишга хизмат қилади. Масалан, давлат харидларидаги шаффофликни таъминлаш ёки хизматларга оид лицензия бериш жараёнларида жамоатчилик иштирокини таъминлаш коррупциявий хавфни сезиларли даражада камайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, давлат органларидаги асосий коррупция хавфларини аниқлаш ва бартараф этишда Жамоатчилик кенгашларининг иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Бу нафақат давлат органларининг фаолиятида очиқлик ва адолатни таъминлайди, балки фуқароларнинг давлат бошқарувига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳар бир давлат органи ўз ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг тавсияларига жиддий эътибор қаратиши, уларнинг хулосаларини амалда қўллаши лозим. Фақат шундагина "Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси"да кўзда тутилган асосий мақсад — коррупциядан холи, шаффоф ва жавобгар бошқарув тизимига эришиш мумкин бўлади.

3.2. КОРРУПЦИОН ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ КЎРИНИШЛАРИ

а) Коррупция қонунбузарликлари қуйидаги турларга бўлинади:

- Пора бериш ва олиш – мансабдор шахс ўз ваколатидан шахсий манфаат йўлида фойдаланиши;
- Суиистеъмолчилик – хизмат мавқеини шахсий ёки гуруҳ манфаатларида ишлатиш;
- Қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қарор қабул қилиш – тендерлар, лойиҳалар ёки маблағ тақсимотида манфаатдорлик асосида қарор чиқариш;
- Непотизм ва фаворитизм – хизматга қабул қилишда таниш-билишчилик, қариндошлик ёки шахсий садоқатга асосланиш.

Бу каби ҳолатларнинг мавжудлиги давлат хизматининг обрўсини туширади, фуқаролик жамияти ривожига тўсиқ бўлади.

в) Коррупциянинг олдини олиш усуллари

Коррупцияга қарши курашнинг асосий йўналиши – профилактика, яъни олдини олиш ҳисобланади. Бу соҳада қуйидаги чоралар самарали ҳисобланади:

- Қонун устуворлигини таъминлаш ва норматив базани такомиллаштириш;
- Маъмурий жараёнларда очиқлик ва давлат хизматларини рақамлаштириш;

- Давлат хизматчилари учун этика кодексига амал қилиш ва малака ошириш курсларини жорий этиш;
- Ёшлар онгида коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш учун таълим тизими орқали тарғибот ишларини олиб бориш;
- Жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва фуқаролик назоратини кучайтириш

Хулоса қилиб айтганда, коррупцион қонунбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш – фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки бутун жамият зиммасидаги вазифадир.

“Коррупцияга қарши кураш асослари” дарслигида таъкидланганидек, очиқлик, ҳисобдорлик ва фуқаролик фаоллиги – коррупцияга қарши курашнинг энг самарали усулидир.

Шу боис, ҳар бир давлат хизмати соҳасида хавф таҳлилини мунтазам ўтказиш, электрон бошқарув тизимларини ривожлантириш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш орқали коррупциянинг олдини олиш мумкин.

Фақат шундагина жамиятда ҳалоллик, адолат ва қонунийлик тамойилларига асосланган тоза давлат бошқаруви шаклланади.

3.3 ДАВЛАТ ОРГАНИ ФАОЛИЯТИДА ЭТИКА ВА ОШКОРАЛИККА АМАЛ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ОЛИБ БОРАДИГАН НАЗОРАТ

Давлат бошқаруви тизимида этика ва ошкоралик тамойилларига амал қилиш – фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини таъминловчи энг муҳим шартлардан биридир.

Этика қоидаларига амал қилиш давлат хизматчисининг шахсий масъулиятини, ҳалоллигини ва хизматга бўлган садоқатини белгиласа, ошкоралик эса фаолиятнинг очиқ ва ҳисобдор бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларига кўра, Жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятида айнан шу тамойилларнинг бажарилишини назорат қилишда муҳим ўрин тутади. Улар фуқаролик жамиятининг давлат бошқарувига таъсир кўрсатишининг амали воситаси сифатида фаолият юритади.

а) Давлат хизматчилари этикаси ва ошкоралик тамойиллари

Давлат хизматчиси фаолиятидаги асосий этик қоидалар қуйидагилардан иборат:

- Қонун устуворлиги ва адолатга амал қилиш;
- Халққа хизмат қилиш принципига содиқлик;
- Ахборотни тўғри, очиқ ва ўз вақтида тақдим этиш.
- Хизмат вазифаларини манфаатсиз, холис ва ҳалол бажариш;
- Хизматда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;

Ошкоралик эса давлат фаолиятида очиқ маълумотларни тақдим этиш, ҳисобдорликни таъминлаш ва фуқароларни қарор қабул қилиш жараёнларига жалб қилиш орқали амалга оширилади.

б) Жамоатчилик кенгашининг вазифалари ва ваколатлари

Жамоатчилик кенгаши давлат органлари ҳузурида ташкил этилади ва унинг асосий вазифаси — фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан назоратини таъминлашдир. Этика ва ошкоралик соҳасидаги назорат қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- Этик қоидалар бажарилишини мониторинг қилиш
- Фаолият ошкоралигини баҳолаш
- Жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш.
- Этик бузилишлар бўйича тавсиялар бериш.

в) Жамоатчилик назоратининг амалий аҳамияти

Этика ва ошкораликка амал қилиниши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилиши натижасида:

- Давлат хизматчиларида шахсий масъулият ва ҳалоллик ҳисси кучаяди;
- Коррупцион хавфлар ва манфаатлар тўқнашуви камаяди;
- Фуқароларнинг давлат бошқарувига ишончи ортиб, “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилади” деган тамойил амалда қарор топади;
- Давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ҳисобдорлик мустаҳкамланади.

Жамоатчилик кенгашлари томонидан тайёрланадиган ҳисоботлар ва тавсиялар давлат органларининг ички фаолиятини яхшилаш, хизмат интизомини кучайтириш ва этика қоидаларига амал қилишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат органлари фаолиятида этика ва ошкоралик тамойилларига амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш — самарали, тоза ва жавобгар бошқарувни шакллантиришнинг муҳим гаровидир.

Жамоатчилик кенгашлари фуқаролар билан давлат органлари ўртасида ишонч кўприги вазифасини бажаради. Улар фақат танқид ёки назорат эмас, балки ҳамкорлик асосида этик маданият ва очиқлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мавзу бўйича қўшимча маълумот:
“Коррупцияга қарши кураш асослари” *М.Б.Бекмурадов “Академия” Тошкент-2022.*

(https://aca.uz/storage/y5WSJoVuwSNUPeESOpd0e6LHLKwe6X-metaMTExMTExMTEucGRm-.pdf)

YUKSALISH

+998 95-230-33-23
Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1/1

@uzbyuksalish